

## Хотирлаш фарзи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 3-ТТЖ да Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислон Каримов таваллудининг 81 йиллига бағишлаб «Буюк юртбошимиз ҳаёти барчамизга ибрат» шиори остида хотира тадбири ўтказилди.

Ушбу тадбирда 3-ТТЖ фаол талабалари СХТЕ ва Б факультетидан Рустамова Мафтуна, Исакулова Рушана, Абдуғаниева Мухлиса, ЭК ва ЭФ факультетидан Юнусалиева Нозанин, ГМ факультетидан Тошпўлатов Темурмалик, Жуманазарова Комила, Махмудов Шахзод, Абдукаримов Жавоҳир, Маҳкамова Машҳура, Халилов Шавқиддин фаол иштирок этишди. Бўлиб ўтган тадбирда талабалар Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлишди ва уларнинг асарлари ҳақида билиб олишди.

Тадбирда Рўзматов Абдоржон томонидан муҳтарам биринчи президентимиз ҳақида айтилган шеър барчанинг қалбидан чуқур жой олди. Шунингдек, тадбирда ТТЖ директори Йўлиев Зокиржон ГМТФ кафедраси ассистенти Убайдуллаев Абдусаматлар сўзга чиқишди. Тадбирда фаол иштирок этган талабалар эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.



**3-ТТЖ тарбиячи педагоги Ҳайитова Азиза ахбороти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**